



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Махкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

Азиз Қахрамонович Тўхтамишов – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети мустақил изланувчиси

ТУРИЗМ СОҲАСИДА КЛАСТЕРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда туризм кластери ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитлари, туризм кластерларини ривожлантиришдан ижтимоий-иқтисодий самарага эришиш имкониятлари ва йўналишлари, туризм соҳасида кластер ёндашувини амалга оширишни рағбатлантириш даражалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: туризм, туризм кластери, туризм индустрияси, омиллар, технологик асос, иқтисодий самара, рағбатлантириш.

Кириш. Туризм кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда туристик кластерларни яратиш, туризм кластери сиёсатини амалга ошириш бўйича турли хил қарашлар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. Туризм бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувофиқликни таъминлаш, туристик хизматлар самарадорлигини ошириш, соҳада синергетик самарага эришиш ҳамда туристик маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун туризм соҳасида кластерни жорий этиш ва кластерларни самарали ривожланиш омиллари ва йўналишларини тадқиқ этиш алоҳида долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган. Хусусан, М.М.Мухаммедов¹, М.Қ.Пардаев², М.Т.Алимова³, В.А.Васильев⁴, Т.Э.Курмаев⁵, В.И.Новичков, М.Ю.Полозков⁶ каби олимлар туризм иқтисодиёти, туризм кластерларига бағишлаб дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув ва илмий адабиётларни ёзганлар. Аммо ушбу асарларда туризм соҳасида кластерни жорий этиш масалалари атрофлича ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнда тизимли таҳлил, гуруҳлаш, индукция-дедукция, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг тармоқ ва режалаштириш тамойиллари ҳозирги вақтда ўзининг ҳал қилувчи ролини йўқотмоқда ва бунда хўжалик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар тизимини яратиш йўли билан миллий такрор ишлаб чиқариш тизими доирасида мамлакат ва унинг ҳудудлари ривожланишига фаол ва ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи инновацион ташкилий-иқтисодий механизмлар ва шаклларни яратиш долзарб бўлиб бормоқда.

Туризм соҳасини кластер ривожланишининг инновацион йўналиш эканлигини аниқлаш ва унинг тегишли омилларини алоҳида йўналишлар бўйича ажратиш кўрсатиш мақсадида туризм тадбиркорлигида қўлланиладиган инновацияларнинг асосий турларини таснифлаш лозим.

Мазкур инновациялар қуйидагилардан иборат:

1. Маҳсулот инновацияси – бу ўз ҳудудидаги рақобатчиларда ҳам, бошқа ҳудуд-

¹ Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. «Зарафшон» нашриёти, 2017. – 300 б.

² Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. – Б. 133.

³ Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.

⁴ Васильев В.А. Создание кластеров малых гостиниц. Повышение их конкурентоспособности / В.А.Васильев // Next Stop. – 2008. – № 1.

⁵ Курмаев Т.Э. Туристские кластеры как инклюзивное рекреационное поле / Т.Э.Курмаев // Проблемы и перспективы развития образования в России. – 2015. – № 37. – С. 177-179.

⁶ Новичков В.И., Полозков М.Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах // Journal of New Economy. – 2008. – №. 3 (22). – С. 46-49.8.

лар ва давлатлардаги рақобатчи туристик ташкилотларда ҳам мавжуд бўлмаган инновацион тавсифга эга бозор таклифини шакллантирадиган янги туристик маҳсулотни яратиш ва уни жорий этиш.

Маҳсулот инновацияси туристик кластерлар мавжудлигининг биринчи босқичида уларни ривожлантиришнинг энг кенг тарқалган вариантдир, чунки бу вазиятда инновация туристик маҳсулотни шакллантириш учун инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланишдан иборат бўлмайди, балки бозорнинг янгилиги таклиф қилинган экскурсиянинг янги маршрутини яратишдан иборат.

2. Инновацион жараён – замонавий техника ва технологияларни ҳамда рақамли хизматларни жорий этиш, туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятини автоматлаштириш асосида туристларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш. Мазкур ҳолатда жараён инновациялари кўпинча маҳсулот инновациялари билан бирлаштирилади ҳамда туристик маҳсулотлар ва хизматларни бозорда жорий этишнинг жозибадорлиги ва самарадорлигини оширади. Бундай инновацияларнинг классик намунаси туроператорлар ва турагентлар томонидан замонавий автоматлаштирилган бронлаш тизимларидан фойдаланиш ҳисобланади.

3. Бошқарув инновациялари – бу бутун туризм индустрияси ва алоҳида туризм ташкилоти доирасида инновацион бошқарув тизими ва усулларини жорий этиш. Бундай бошқарув инновациялари кўпинча қуйидагиларни ўз ичига олади: а) ички корпоратив бошқарув тизимлари ва стандартлари; б) ўз-ўзини тартибга солиш институтини жорий этиш; в) корпоратив ўзаро ҳамкорликнинг янги турлари; г) бизнесни ривожлантириш стратегиялари ва маркетинг стратегиялари мажмуасини ишлаб чиқиш; д) сайёҳлик компанияси фаолиятини ташкил этишнинг янги йўналишлари ва усулларини ишлаб чиқиш; е) туризм соҳаси ходимларига тегишли касбий талабларни қабул қилиш.

4. Истеъмолчиларга йўналтирилган инновациялар – истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, истеъмолчиларнинг содиқлигини шакллантириш, истеъмолчилар олдида туризм ташкилоти имижини яхшилаш, истеъмолчилар ва туризм фирмалари ва ташкилотлари ўртасида янги алоқа каналларини ривожлантириш, индивидуал туризм хизматларини кўрсатишга қаратилган бизнесни ташкил этиш усулларини танлаш. Йирик сайёҳлик ташкилотлари мижозларга чегирмалар ва шахсий саёҳат хизматларини тақдим этиш учун ўз мижозларининг электрон маълумотлар базасини яратадилар.

5. Маркетинг инновациялари – туристик фирма ва ташкилотларда қўлланиладиган маркетинг стратегиялари мажмуасини ишлаб чиқиш: бу қуйидагилардан иборат: бозорнинг асосий элементлари – талаб ва таклиф мувофиқлигига эришиш; ихтисослаштирилган тизимлар ва тарқатиш каналларини шакллантириш; янги туристик маҳсулотни шакллантириш, уни халқаро ва миллий туристик бозорларга олиб чиқиш йўналишидаги фаол тадбирлар; контрагентлар ва доимий мижозлар учун турли чегирмалар ва имтиёзлар тизимидан фойдаланган ҳолда тегишли нарх стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш.

6. Логистик инновациялар – бу туристларни етказиб бериш, тақсимлаш, жойлаштириш, уларнинг ҳаракатини ташкил этиш бўйича янги стратегик қарорларни қабул қилишга йўналтирилган. Бундай инновациялар туристик ташкилотлар ва туризм марказларида интеграциялашган ахборот тизимлари билан боғлиқ бўлган боғловчи рейслар кўмагида комплекс боғловчи ҳаво транспорти узеллари орқали туристларнинг ҳаракатланиши бўйича муқаррар янги ечимларни ишлаб чиқишни назарда тутди. Сўнгги инновацион тенденциялар ахборот ва интеллектуал логистика ҳисобланувчи виртуал маконда ахборот оқимларининг ҳаракатини ифодалайди.

7. Институционал инновациялар туризм индустриясини, шунингдек, турдош тармоқларни бошқаришда давлатнинг роли ва бошқа тартибга солиш тизимларини ва меъёрий жиҳатдан қатъий мустаҳкамланган қоидаларни шакллантиришга йўналтирилган. Бундай инновациялар уч турдаги коммуникатив ҳамкорлик асосида шаклланади: 1. Давлат-хусусий шериклиги механизми энг мақбул ва самарали усул ҳисобланади; 2. “Маъмурият – тадбиркорлар – таълим ва фан вакиллари – маҳаллий ҳокимият” чизмаси

бўйлаб симбиотик ўзаро муносабатларни ўрнатиш; 3. Тадбиркорлар ва давлат ҳокимияти органлари манфаатларининг тафовутли жиҳатлари билан боғлиқ зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар.

8. Ресурс инновациялари – янги туристик маҳсулотлар ва хизматларни келгусида шакллантириш ва ҳаракатлантириш, лойиҳалаштириш, ихтисослаштирилган туристик ва рекреацион ҳудудларни ривожлантириш туристик ресурслар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар хил турдаги ресурслардан (табiiй, инфратузилма, тарихий-маданий, моддий, молиявий, кадрлар, бошқарув ва бошқалар) фойдаланиш билан боғлиқ.

9. Ташкилий ва иқтисодий инновациялар ихтисослаштирилган туристик дестинация доирасида туризм бизнесини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг янги ҳудудий ва экстратерриториал шакллари яратишга қаратилган. Ташкилий ва иқтисодий инновациялар инновациялар, концентрация, ихтисослаштириш, мувофиқлаштириш ва хизмат кўрсатиш туризми ишлаб чиқаришини кооперация қилиш орқали рақобатдош устунликларга эришиш имконини беради. Бинобарин, туризмдаги ҳар қандай кластер лойиҳалари ташкилий, иқтисодий ва бошқарув инновациялари бўлганлиги сабабли ўз мазмунига кўра инновацион ҳисобланади.

Туризм соҳасида кластерни ривожлантириш куйидаги шарт-шароитлар ва омилларни назарда тутлади.

1. Ландшафт-иқлим шароити. Туризм кластерини шакллантириш ҳудуд салоҳиятини баҳолаш, унинг географик чегарасини идентификациялашни ҳисобга олиш зарур. Кластернинг географик хусусиятининг ўзига хослиги унинг туристик имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилганлиги, тегишли инфратузилмани яратиш жараёнлари, туристик хизматлар кўрсатувчилар фаолиятининг хусусиятини аниқлайди.

2. Кластернинг иқтисодий конъюктураси мамлакат ҳудудининг иқтисодий ривожланиши даражаси, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифати, туристик хизматларга талабнинг шаклланиши, корхоналарнинг инновацион-инвестицион жозибadorлигига қараб белгиланади. Кластерни ривожлантиришда инсон омили муҳим аҳамиятга эга, чунки кластернинг барча иштирокчилари туризм соҳасида малакали мутахассисларга эҳтиёж сезади.

3. Ижтимоий-маданий омиллар маҳаллий аҳолининг анъаналари ва маданиятини бирлаштиради, оилавий ва бошқа ижтимоий хусусиятлар ҳар бир ҳудудда туризм ва сервис индустриясининг асосий тенденцияларининг тавсифи ва йўналтирилганлигига бевосита таъсир кўрсатади. Аҳолининг таълим даражаси ижтимоий омилнинг муҳим жиҳати ҳисобланади, чунки таълим соҳаси туризм ва сервис корхоналари учун малакали кадрларни етказиб берувчиси сифатида намоян бўлади. Илмий муассасалар туризм ва сервис соҳасида кластернинг инновацион йўналишда ривожланишига катта ҳисса қўшади.


4. Сиёсий омиллар иқтисодиётнинг кластер ривожланиши жараёнида асосий роль ўйнайди, чунки туризмни ривожлантириш, илмий ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узлуксиз мониторингни амалга ошириш туристик кластер шаклланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Туристик кластернинг ривожланиши давлат ҳокимияти органларининг қўллаб-қувватлашига тўлиқ боғлиқдир. Туризм соҳасини бошқариш тизимида унинг иерархик ташкилотлари муҳим рол ўйнайди.

5. Ҳуқуқий омиллар ҳам макроиқтисодий даражадаги кластерлаш жараёни, ҳам аниқ кластер тузилмалари ва ташаббусларини шаклланиш жараёнлари сифатида меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда ўзининг аҳамияти бўйича юқори ўринга эга. Ҳозирги вақтда кластер лойиҳалари амалдаги қонун билан тартибга солинмайди ва фақат миллий ва ҳудудий даражадаги қарорлар, дастурлар, буйруқлар орқали бошқарилади.

6. Тадбиркорлик омиллари кластер тузилмаларини шакллантириш ва янада ривожлантириш учун мақбул шарт-шароитлар ва имкониятларни таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Сервис ва туризм соҳасида тадбиркорлик муҳити, ташкилий ва корпоратив маданиятнинг шаклланиш даражаси, мавжуд хизмат кўрсатишнинг ички стандартлари, рақобат сиёсати, бизнесни ривожлантириш стратегияси, корхоналарнинг

инновацион фаоллиги кластер тузилмалари доирасидаги корхоналар ва фирмаларнинг самарали интеграциясини белгиловчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

7. Кластернинг инновацион муҳити туристик тадбиркорликнинг инновацион фаоллиги, асосий ташкилотларнинг техник ва технологик етуқлигини аниқловчи алоҳида гуруҳлар омиллари сифатида ажратишни талаб қилади. Туризм соҳасида автоматлаштириш даражаси у ёки бу истеъмолчиларнинг устунликларини реализация қилишнинг асосий мезонларидан бири ҳамда истеъмолчилар танловининг муҳим омили сифатида хизмат қилади.



1-расм. Туризда кластерлаш омилларини аниқлашга муҳит шаклланиши ёндашуви¹

Биз, қуйидаги бешта муҳит билан боғлиқ кластерлаш муаммоларни ҳал қилиш омилларини ажратишни таклиф қиламиз: институционал муҳит, инновацион муҳит, ижтимоий-истеъмол муҳити, ижтимоий-маданий муҳит, ландшафт ва географик муҳит (1-расм).

“Муҳит” ёндашувини жорий этиш зарурати (бу контекстда ресурс-географик,

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ижтимоий-маданий ва ташкилий таркибий қисмларнинг учлик бирикмаси сифатида тушунилади) туризмда туристлар томонидан талаб ва туристик хизматларни тақдим қилувчи ташкилотлар томонидан таклифнинг шаклланишини ўзига хослиги ва йўналишини аниқловчи табиий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий ресурслар асосий ҳисобланади.

Бунда доимий равишда турли давлат институтларининг тартибга солувчи ва ташкилий-бошқарув роли, ҳуқуқий тизим, республика ва унинг ҳудудлари даражасида туризмни бошқариш органлари тизими, давлатнинг ташқи иқтисодий ва савдо сиёсатида алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Туризмни устувор ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш орқали туризм соҳасида кластер тизимини қўллаб-қувватловчи шарт-шароитлар ва омилларни, биринчи навбатда, атроф-муҳит, мавжуд ресурслар ва аҳоли эҳтиёжлари (айниқса, бошқа минтақа ва мамлакатлардан келган туристлар)ни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Туризм соҳасини кластер ривожланишининг инновацион компоненти сифатида, унинг бешта энг муҳим омилни ажратиб кўрсатиш зарур:

– ихтисослаштирилган инфратузилманинг мавжудлиги – туризм соҳасида ИТТКИни амалга оширувчи таълим ва илмий муассасалар;

– туризм тадбиркорлигида инновацион фаоллик ва инновацион жозибадорликни таъминлаш;

– туризм бозорида реализация қилинаётган туристик маҳсулот ва хизматларнинг характери ва уларнинг таркибида инновацион компонентнинг улуши;

– географик (ижтимоий-географик, геосиёсий, инфратузилмавий-географик, транспорт-географик, иқтисодий-географик) омил;

– мамлакат ва унинг ҳудудларида инновацияга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг ривожланиш даражаси ва унинг туристик фаолиятга таъсири.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
2. Васильев В.А. Создание кластеров малых гостиниц. Повышение их конкурентоспособности / В. А. Васильев // Next Stop. – 2008. – № 1.
3. Курмаев Т.Э. Туристские кластеры как инклюзивное рекреационное поле / Т.Э.Курмаев // Проблемы и перспективы развития образования в России. – 2015. – № 37. – С. 177-179.
4. Новичков В.И., Полозков М.Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах // Journal of New Economy. – 2008. – №. 3 (22).– С. 46-49.8.
5. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масаласи // - Т.: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -№1, январь-февраль, 2019.
6. Пелевина, Н. А. Кластерный подход к обеспечению развития туристско-рекреационной сферы региона / Н. А. Пелевина // Известия Российского государственного педагогического университета имени А. И. Герцена. – 2008. – № 86. – С. 340-344.
7. Портер М. Конкуренция / пер. с англ. под ред. Я. В. Зблочкиго. – М.: Изд. Дом. «Вильямс», 2002. - 496 с. – С. 207.
8. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 151-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 20.12.2022. <https://review.uz/oz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4143188>
12. UNWTO Tourism Highlights. Edition 2017. - Madrid, WTO Publications Department.-2018.

<p>А.Тухтамишов</p> <p>Факторы и направления кластерного развития в сфере туризма</p>	<p>A.Tukhtamishov</p> <p>Factors and directions of cluster development in the field of tourism</p>
<p>Аннотация: В статье изучены факторы и условия развития туристских кластеров в нашей стране, возможности и направления социально-экономического эффекта от развития туристских кластеров, уровни продвижения кластерного подхода в сфере туризма.</p> <p>Ключевые слова: туризм, туристический кластер, индустрия туризма, факторы, технологическая база, экономическая эффективность, стимулы.</p>	<p>Abstract: The article studies the factors and conditions for the development of tourist clusters in our country, the possibilities and directions of the socio-economic effect from the development of tourist clusters, the levels of promotion of the cluster approach in the field of tourism.</p> <p>Keywords: tourism, tourism cluster, tourism industry, factors, technological base, economic efficiency, incentives.</p>

Хонкул Қаҳҳарович Самаров – Регистон ансамбли директори, СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиш туризмни ривожлантириш истиқболлари қараб чиқилган. Бунда халқаро туристларга халқимизнинг миллий маданий мерос объектларини, уларнинг аҳамиятли жиҳатини, маданий мерос объектларининг мазмуни жиҳатидан таснифланишини (моддий ва номоддий объектлар) ҳам қараб чиқилган. Булардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: турист, туризм, миллий мерос, маданий мерос, моддий маданий мерос, номоддий маданий мерос, давлат аҳамиятидаги маданий мерос, маҳаллий аҳамиятдаги маданий мерос.</p>

Кириш. Мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 30 августда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу объектлар мазмуни ва унга муносабатнинг ўзгариши билан шу ўтган йигирма йилдан ортиқ даврда унга бир қанча ўзгартириш ва тузатишлар киритилиб келинмоқда. Айниқса 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган Давлатимиз раҳбарининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ушбу объектлардан туризм соҳасида фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бугунги кунга келиб, ушбу бойликлардан янада самарали фойдаланиш вақти келганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелда “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон билан ушбу субъект бирлаштирилиб йирик вазирлик ташкил қилинди ва уларни бошқариш оптималлаштирилиб, битта қўлга топширилди. Ҳозирги ҳолатда айрим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Буларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини асослаш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Айнан шу масала ушбу ишнинг ҳам долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризмнинг турли жиҳатлари хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан мунтазам равишда ўрганилиб келинмоқда. Туризм таълими соҳасида самарали ижод қилаётган ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан: Н.Т.Тухлиев, А.Н.Норчаев, М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, К.Х.Абдурахмонов, У. Матякубов, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алиева,

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023